MEZON:

Икки ёки ундан ортиқ жисмоний шахснинг биргаликдаги ижодий меҳнати натижасида яратилган асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи, мазкур асар бўлинмас бир бутун ёки ҳар бири ҳам мустақил мазмунга эга қисмлардан иборат эканлигидан қатъи назар, ҳаммуаллифларга биргаликда тегишли бўлади.

Агар асарнинг муайян қисмидан унинг бошқа қисмларига боғлиқ бўлмаган ҳолда фойдаланиш мумкин бўлса, бу мустақил мазмунга эга бўлган қисм деб эътироф этилади.

Ҳаммуаллифларнинг ҳар бири, агар улар ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, асарнинг ўзи яратган, мустақил мазмунга эга бўлган қисмидан ўз хоҳишига кўра фойдаланишга ҳақлидир.

Ҳаммуаллифлар ўртасидаги муносабатлар, қоида тариқасида, келишув асосида белгиланади. Бундай келишув бўлмаган тақдирда, асарга бўлган муаллифлик ҳуқуқи барча муаллифлар томонидан биргалидк амалга оширилади, муаллифлик ҳақи эса улар ўртасида тенг тақсимланади.

Агар ҳаммуаллифларнинг асари бўлинмас бир бутунни ташкил этса, асардан фойдаланишни етарли асослар бўлмай туриб тақиқлаб қўйишга ҳаммуаллифлардан ҳеч бири ҳақли эмас.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН 12-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 37 (492) 2006 йил 19 сентябрь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

КЕЛАЖАКНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

Инсоният ўз тарихида не-не қудратли давлатларни, буюк салтанатларни кўрмади. Аксар салтанатлар қай тариқа таназзулга юз тутганини таҳлилу тадқиқ этган муаррихлар жуда кўплаб сабаб-оқибатлар қатори бир муҳим сабабни алоҳида таъкидлашади: маърифатдан узоқ авлод ҳар қандай мустаҳкам давлатни ҳам инқироз ботқоғига ботиради. Демак, мамлакат келажаги, унинг буюк давлатга айланиши шу давлатнинг асоси — пойдевори қандай қўйилганига боғлиқ. Демакки, баркамол авлодни шакллантирмаган юртнинг келажагидан умид қилиш қийин. Бу улуғ иш эса бир буюк неъмат — юрт озодлиги билан боғлиқ. Чунки мустақил бўлмаган Ватаннинг энг фозил алломалари ҳам унутилишга маҳкум. Яқин ўтмишда бой илмий, маданий меросимиз жаҳолат пардаси ортида қолгани, унутилишга маҳкум этилгани ҳали ёдимиздан чиққани йўқ.

Дарҳақиқат, миллатимиз қонидаги барҳаёт илму маърифат фақат истиқлол туфайли тўла рўёбга чиқа бошлади. Бунинг эса, туб асослари, толмас ва улкан салоҳиятли фидойиси бор. Истиқлол шарофати билан ёш авлод таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Натижалар ҳам кўп куттирмади: ўзбекистонлик ёшлар хориждан олтин медаллар билан кела бошлашди, ўқитувчилар куни умумхалқ байрамига айланди, жуда кўплаб мактаблар қурилди, хуллас, баркамол шахсни камол топтиришдек аниқ мақсад белгилаб олинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг **«Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»** асарида нафақат бугунги авлод, яъни биз, балки аждодлар орзу қилган Ватан тараққиётининг олтин пойдевори аниқ белгилаб берилган. Сўнгги ўн йилда Президентимиз белгилаб берган вазифалар қай даражада амалга оширилгани яхши маълум. Юртбошимиз мамлакат олдида турган энг асосий вазифани қуйидагича таъкидлаган: **«Лўнда қилиб айтганда, бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислоҳотларимиз, режаларимизнинг самараси тақдири — буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз».**

Келинг, шу ўринда айрим масалаларга эътибор қаратайлик, МУСТАҚИЛЛИКнинг дастлабки йилларидаёқ ўрта махсус таълим соҳасига, бозор талабларидан келиб чиқиб, янги мутахассисликлар киритилди. Олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилди. 300 га яқин янги-янги турдаги таълим муассасаси очилди. Минглаб ёшлар чет элларда таълим олди. Олий ўқув юртлари қошида 46 та лицей ташкил этилди. 2 минг нафардан ортиқ талаба ва мутахассис чет элларда ўқиб келди. Янги имло, алифбода ўқитиш учун зарур дастур, қўлланма ва дарсликлар яратилди...

Буларнинг барчаси мустақилликнинг дастлабки йилида, жуда кўп қийинчиликларга дуч келган ўтиш давридаги ютуқлар.

Президентимиз мактабларнинг моддий базасига, ўқитувчи савиясига, ўқув жараёнига таъриф бериб, аҳволни тубдан ўзгартиришнинг аниқ йўл-йўриқларини белгилаб берди. Энг муҳими, давлатимиз раҳбари таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотларни уч босқичга бўлиб, уларнинг ҳар бирига доир вазифаларни кўрсатиб берди. Кадрлар тайёрлаш тизимининг шакланиши ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойиллари қандай вазифаларни ўз ичига олишини бирма-бир таърифлади.

Шунингдек, жуда катта ишонч билан олдинга сурилган маърифатпарварлик ғояси қандай натижа бериши ҳам мазкур асарда баён этилган: **«Ўзбекистоннинг бугунги салоҳияти ва иқтисодий ҳолати, халқимизнинг ақлзаковати ва иродаси бу ўта масъулиятли, шу билан бирга шарафли, оддий тил билан айтганда, эл-юртимизнинг фаровон ва бахтли келажагини ҳал қилувчи вазифани муваффақиятли адо этишга замин ва имкон беради».**

Дарҳақиқат, кейинги йилларда таълим-тарбия соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлар — узлуксиз таълимнинг тамомила янги ва ягона тизими ҳаётга татбиқ этилгани, яқин ўтмишдан «мерос» қолган эскирган тафаккур, қолоқ иш услублари ва одатларидан буткул воз кечилгани, янги типдаги таълим муассасаларининг барпо қилингани, талабалар билимини баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилгани мамлакатимизда юқори малакали кадрлар тайёрлашни жаҳон андозалари даражасига кўтариш имконини туғдирди.

«Таълим тўғрисида»ги қонун ва **«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»** баркамол авлоднинг порлоқ истиқболини белгилаб берди. Зеро, Президентимизнинг **«Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни воя га етказиш тўғрисида»**ги Фармонида **«таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, келажак учун баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида: «Таълим тўғрисида»ги қонун** ва **Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисобласин»**, дея таъкидланган. Таълим-тарбия соҳасини тубдан ўзгартириш ва янгилашга қаратилган қонунлар ва Президент фармонлари асрлар мобайнида орзу қилинган ва истиқлол шарофати билан барпо этишга киришилган маърифатли жамият — фуқаролик жамияти қуришни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади.

Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги **«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»**ги Фармони таълим-тарбия тизимидаги ислоҳотлар бардавомлигини қонуний таъминлаб, галдаги муҳим вазифаларни белгилаб берди. Ана шу вазифаларни амалга оширишга жадал киришилиб, биргина ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 53 та янги мактаб қурилиб, ишга туширилди, 1044 та мактаб жорий ва капитал таъмирдан чиқарилди. Бу ишларга 105 миллиард сўм маблағ сарфланди. Кейинги ўн йил ичида касб-ҳунар соҳаси қурилишларига сарфланган 676,7 миллиард сўм, шунингдек, 2005 йили таълим соҳаси харажатларига давлат бюджетидан сарфланган 922 миллиард сўм маблағни ҳисобга оладиган бўлсак, бу вазифаларни амалга ошириш аниқ молиявий таъминотга асослангани яққол кўриниб турибди.

Мустақиллик Ўзбекистонни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқди. Ватанимиз келажагининг буюклигига бўлган ишонч тобора мустаҳкамланиб бораётир. Бунда давлатимиз раҳбарининг салоҳияти ва куч-қудрати билан таълим-тарбия соҳасида муваффақиятли тарзда амалга оширилган ислоҳотлар олтин пойдевор вазифасини ўташига шак-шубҳа йўқ.

Ж.ҲАСАНОВ,
педагогика фанлари номзоди

Farmon va ijro

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида суд тизимини мустаҳкамлашга, судларнинг мустақиллигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Судлар фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳокимиятга айланди.

Бозор иқтисодиётига асосланган жамият барпо этиш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи хўжалик судига асос солиниши бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Аминжон ИШМЕТОВ:

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

— Иқтисодий ислоҳотлар юртимизда хусусий мулкчиликнинг ривожи учун кенг йўл очди, — дейди республика Олий хўжалик суди раиси Аминжон Ишметов. — Бугунги кунда мамлакатимизда минглаб тадбиркорлик, фермерлик ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолият юритмоқда. Айни пайтда улар ўртасида турли ҳуқуқий муносабатлар ҳамда низолар юзага чиқиши табиий. Бундай муносабатларни тартибга солиш, муҳими, ҳуқуқий ҳимоялашнинг суд механизми яратилгани жуда муҳим аҳамиятга эга.

Хўжалик судлари хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги низоларни адолатли ҳал этишга, айниқса, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони қабул қилингани хўжалик судлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклади. Мазкур ҳужжатга асосан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд томонидан қўлланиляпти. Бу иш қўламини кенгайтириш билан бирга, жамиятимиз таянчи бўлган тадбиркорларни ҳимоялаш тизимини янада мустаҳкамлашни тақозо қилмоқда.

Мамлакатимиз Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган иқтисодиётнинг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланган. Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган фармони ушбу конституциявий меъёрнинг ҳаётга кенг татбиқ этилиши учун яна бир имконият яратди. Шу билан бирга, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг муҳим кафолатига айланди.

Фармонга мувофиқ, фаолиятни тўхтатиб қўйиш, молиявий санкцияларни қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, лицензияларни ўн иш кунидан кўп муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш фақат суд орқали амалга оширилмоқда. Бу билан турли давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ноқонуний таъсир чоралари қўлланилишининг олди олинмоқда.

Одил судловни амалга оширишда судьянинг мустақиллиги, фақат қонунга бўйсуниши, низо ошкора, тарафларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва тортишуви асосида ҳал этилиши муҳим омил бўлмоқда.

Хўжалик судлари фармон ижроси жараёнида шу йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсир чоралари қўллашга оид тегишли назорат идораларининг 30 мингга яқин аризасини кўриб чиқди. Уларнинг олти мингдан зиёди асоссиз бўлгани учун қаноатлантирилмади.

Мисол учун, Қашқадарё вилояти Ғузор туманида фаолият юритаётган "Дилдор" хусусий фирмасида назорат идораси томонидан ўтказилган текшириш натижасида ушбу тадбиркорлик субъектига катта миқдорда жарима солишга қарор қилинган.

(Давоми иккинчи бетда)

Юртимизнинг истиқболи, равнақи ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимизга юксак масъулият билан ёндашишимизга боғлиқ. Бунда, айниқса, молия тизимига оид муносабатлар, давлат бюджетини шакллантириш, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ мажбуриятларининг вақтида тўлиқ бажарилишига кўмаклашувчи омиллар муҳим саналади. Айтиш жоизки, бу борада тарғибот-ташвиқот ишлари, мулоқотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Sharh

ҚОНУННИНГ КУЧИ — ИЖРОСИДА

Ҳозирги кунда жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган глобал муаммолардан бири халқаро терроризмдир. Бу хавфли иллатни бутунлай бартараф этишнинг имконияти бўлмаётгани, аксинча, жиноий қилмишларни амалга ошириш усул ва услублари кундан кунга кўпайиб бораётгани сир эмас.

Президентимиз Ислом Каримов ўз маърузаларида, терроризмнинг ташқи кўринишларига қарши курашиш билангина бу офатни бартараф этиб бўлмаслигини, ушбу балоқазонинг бирламчи манбаларига қарши курашиш даркорлигини алоҳида таъкидлаган эди. Чунки ҳеч бир террорчилик ҳаракати раҳнамоларсиз, иқтисодий таъминотсиз амалга оширилмаслиги аниқ.

Терроризмга қарши халқаро майдонда олиб борилаётган курашда давлатимизнинг ўз ўрни бор. Давлатимиз халқаро ҳуқуқий меъёрлар, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг мазкур масалада қабул қилинган ҳужжатларига амал қилиб, жаҳон ҳамжамияти олдида зиммасига олган мажбуриятларини бажариб келмоқда. Хусусан, мамлакатимиз МДҲ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб **«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»**ги қонунни қабул қилди. Бу билан шахс, жамият ва давлатни терроризм хавфидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асоси яратилди. Шунингдек, Парламентимиз томонидан **«Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилингани ҳам мазкур муаммони ҳал этиш йўлидаги ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди ва мазкур қонун жорий йилнинг бошидан кучга кирди.

Аввало, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш, деганда нималар тушунилиши ҳақида тўхтаб ўтсак. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш мулк жиноий фаолият орқасидан топилган бўлса, унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш-дан, шунингдек, бундай пай маблағлари, бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, жойини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яширишдан ёхуд сир сақлашдан иборат бўлган жиноий, ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади.

Терроризмни молиялаштириш террорчилик фаолиятини пул маблағлари, моддий техника ва бошқа воситалар билан таъминлашдан иборат жиноий, ижтимоий хавфли қилмишдир. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирларга қуйидагилар киради: мажбурий назорат; ички назорат; пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга ошириш чоғида юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш.

Мажбурий назорат — қонунга мувофиқ тақдим этиладиган ахборот (ҳужжатлар) асосида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар устидан назорат қилиш бўйича махсус ваколатли давлат идораси томонидан амалга ошириладиган фаолият.

Ички назорат — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий назорат қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолиятдир.

Идентификациялаш — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан мажбурий назоратни амалга ошириш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни улар тақдим этган ҳужжатлар асосида аниқлашдир.

Қонунда қандай операциялар мажбурий назорат таъсири остига тушиши аниқ белгиланган. Таъкидлаш жоизки, бу меъёрлар пул маблағларини легаллаштириш муаммолари бўйича махсус молиявий комиссия (ФАТФ)нинг мажбурий тавсиялари асосида олинган бўлиб, дунёнинг деярли барча мамлакатларида шу меъёрлар асосида текширувлар (мониторинг) ўтказилиб келинмоқда. Бундай текширувлар ўтказилишини давр тақозо этмоқда.

Мазкур қонун жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашни ташкил этиш учун дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатни тайёрлашга замин яратди ва Президентимиз томонидан 2006 йил 21 апрелда **«Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарор қабул қилинди.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ko`magi

АСОССИЗ ДАЪВО

охир-оқибатда рад этилди

Тадбиркорлик — мамлакатимиз танлаган йўл эканлигини исботлаш учун факт ва далиллар, албатта, етарли ва буни исботлашга кўп ҳам ҳожат йўқ. Ушбу эзгу ҳаракат шарофатидан соҳа тараққиёт сари дадил илдамлаётгани, юртимизда яратилаётган ялпи миллий бойликнинг аксарият қисми ишбилармонлар улушига тўғри келаётганлигини таъкидлашнинг ўзи кифоя. Тадбиркорлик ҳаракатининг самараси шу қадар катта бўлиб, мамлакат куч-қудрати ва обрў-эътиборининг ортишига омил бўлмоқда.

Бу — чиндан ҳам қувонарли ҳолат, меҳнатга, бунёдкорликка нисбатан хоҳиш ва ихлосни янада кучайтириш омили. Дунё мамлакатлари тарихи ва тажрибасида кузатилганидек, бу борада ютуқлар билан бирга айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам рўбарў келамиз.

Истиқлол йилларида Хонқа тумани Хоразм воҳасининг тадбиркорлик ўчоғига айланди, десак, муболаға бўлмайди. Воҳанинг мана-ман, деган фидойи ишбилармонлари ана шу тумандан етишиб чиққани ва уларнинг саъй-ҳаракати туфайли ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий турмуши, маънавий-ахлоқий дунёқарашида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бергани — бор ҳақиқат. Билиб-билмай йўл қўйилган баъзи хато ва нуқсонларга нисбатан муросасизлик кўзи билан қаралганида ютуқлар салмоғи ҳозиргидан ҳам анча ортган бўларди. Бироқ...

Эътиборингизни сабоқ бўладиган ҳолатлардан биттасига жалб этамиз.

Туман ҳокимлиги шу йил ёз чоғида вилоят хўжалик судига мурожаат қилиб, ўзининг 2004 йил 13 январдаги 14-сонли ва 2005 йил 21 январдаги 40-сонли қарорларини бекор қилиш, яъни тумандаги «Лайлохон-Олмос» фермер хўжалигини тугатишни сўради. Ўз навбатида фермер хўжалиги ҳам судга мурожаат қилиб, хўжаликни тугатиш учун асос йўқлигини назарда тутиб, даъвогарнинг зиммасига юқоридаги қарорларда кўзда тутилган ер майдонларини ижарага бериш шартномасини тузиш мажбуриятини юклашни билдирган.

Судда кўрилажак иш бир-бирига тамоман қарама-қарши ва анча зиддиятли эканлигини ҳар иккала даъво аризасининг мазмун-моҳиятиданоқ билиб олиш мумкин. Масала қонун талаби асосида синчиклаб ўрганилди. Расмий ҳужжат ва далиллар барига аниқлик киритди. Аён бўлишича, туман ҳокимининг 2004 йил 13 январдаги 13-сонли қарорига биноан «Лайлохон-Олмос» фермер хўжалигига собиқ ал-Хоразмий номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан 10,5 гектар ер майдони ажратиб берилган ва ерни 49 йил муддатда ижарага бериш шартномаси тузилган. Кишини ҳайрон қолдирадиган томони шундаки, мазкур шартномада фермер хўжалигининг ихтисослашув йўналиши кўрсатилмаган. Туман ҳокимининг 2005 йил 21 январдаги 40-сонли қарорига асосан, фермер хўжалигига яна 7,3 гектар экин майдони ажратиб берилган. Бироқ ушбу ер майдони бўйича ижара шартномаси расмийлаштирилмаган. Ҳоким қарорига кўра, янги ер майдонини ижарага бериш ҳақидаги шартномани расмийлаштириш вазифаси туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими зиммасига юклатилган. Аммо қарорнинг бу қисми бажарилмаган. Аниқроқ айтганда, бўлим фермер хўжалигига ижара шартномаси тузишни таклиф қилмаган, ҳатто бу ҳақда фермер хўжалиги раҳбари огоҳлантирилмаган. Шундай бўлса-да, фермер хўжалиги ўз фаолиятини давом эттириб, 2006 йил давлат эҳтиёжи учун дон етказиб бериш бўйича контрактация шартномасини тузган ва зиммасидаги мажбуриятни тўлиқ адо этган. Аммо ажабланарли томони шундаки, фермер хўжалигига даставвал ажратиб берилган 10 гектар ернинг ҳосилдорлик даражаси 10-20 баллни ташкил этган бир вазиятда унинг зиммасига пахта етиштириш вазифаси юклатилган.

(Давоми иккинчи бетда)

Farmon va ijro

Аминжон ИШМЕТОВ:

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мазкур иш хўжалик суди томонидан кўриб чиқилганида, текшириш давомида қонун ҳужжатларида назарда тутилган процессуал меъёрларга амал қилинмагани маълум бўлди. Яъни текшириш холислар иштирокида ўтказилмаган ҳамда текширув якуни бўйича ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирилмаган. Суд мажлиси жараёнида даъвогар ўз талабини далиллар асосида исбот қилолмади. Шуларни инобатга олиб, суд "Дилдор" фирмасини жавобгарликдан озод қилди.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашга оид ишларни кўришда малакали судьяларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани кўриб чиқилаётган ишлар сифатини янада ошириш имконини бераяпти. Шу боис иқтисодиёт соҳасини яхши тушунадиган, суд, адлия, прокуратура, банк, солиқ идораларида фаолият юритаётган ҳуқуқшунослардан иборат судьяликка номзодлар заҳирасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Республика юристлар малакасини ошириш марказида уларнинг малакасини ошириб бориш йўлга қўйилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимояси ҳақида сўз борар экан, бу борада давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 5 октябрдаги **"Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони муҳим омил бўлаётганини таъкидламоқ лозим. Ушбу ҳужжат хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат идоралари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини янада кучайтирди. Натижада тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувлар барҳам топмоқда.

Хўжалик судларида шу йилнинг олти ойида кўриб чиқилган ишларнинг умумий сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 50 фоизга ошган бир пайтда назорат идораларининг тадбиркорлик субъектларига нисбатан чиқарган ҳужжатларни ҳақиқий эмас, деб топишга оид ишлар миқдори ўзгармагани фикримиз исботидир. Бунинг асосий сабаби микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текшириш тартиби жорий этилганидир.

Шунингдек, назорат идораларининг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини рухсатсиз текширганлиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашганлиги учун етказилган иқтисодий зарарнинг ўрнини қоплаган ҳолда жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишининг белгиланган ҳам уларнинг бу борадаги масъулиятини кучайтирди.

Иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғи бўлган аграр соҳада етакчи кучга айланиб бораётган фермерларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар иштирокидаги низоларни қонунда белгиланган энг қисқа муддатларда кўриб чиқиш ҳам хўжалик судларининг устувор вазифаларидан бирига айланган. Фермерларнинг иш унумига салбий таъсир кўрсатмаслик, вақтини тежаш мақсадида уларнинг яшаш жойларида сайёр суд мажлислари ўтказиш анъанага айланди. Шу йилнинг ўтган даврида фермер хўжаликларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид олти мингдан зиёд иш кўрилди ва фермерлар фойдасига жавобгарлардан олти миллиард сўмликка яқин маблағ ундириш тўғрисида суд қарорлари қабул қилинди.

Масалан, Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги "Турон" пахта тозалаш акциядорлик жамияти "Алишер Абдулла ўғли" фермер хўжалиги билан шартнома тузган. Фермер шартномада кўрсатилганидек, етарли миқдорда пахта хомашёсини топширган. Жамият эса ҳосил учун ҳақни ўз вақтида тўламаган. Вилоят адлия бошқармасининг даъвоси асосида хўжалик суди фермер фойдасига асосий қарздан ташқари тўлов кечиктирилгани учун тегишли пеня ҳам ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фермерлардан ноқонуний олиб қўйилган 1,5 минг гектардан ортиқ ер майдони ҳам суд қарорлари билан эгалари ихтиёрига қайтарилди. Фермерларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиб, ҳуқуқлари бузилишига сабабчи бўлган мансабдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликка кўра бўлган етмишга яқин таъсир чоралари қўлланилди.

Хўжалик судлари хусусий тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни янада кучайтириш, фуқароларнинг судларга ишончини мустаҳкамлаш борасида изчил чора-тадбирларни амалга оширяпти. Бунинг самараси ўлароқ, мазкур тизимга ўзининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида қараётган субъектлар сони тобора кўпаймоқда.

ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА ёзиб олди.

Mulogot

НАФАҚАГА ЧИҚМОҚЧИ ЭДИМ...

Ҳозир 55 ёшдаман. Шу боис кексалик нафақасига чиқиш ниятида эдим. Бироқ иш стажим кам. Айтинг-чи, қандай меҳнат фаолият турлари иш стажига қўшиб ҳисобланади?

Д.КАРИМОВА, Кўқон шаҳри

– Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, **«Пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонуннинг 37-моддасига кўра, қуйидаги меҳнат фаолияти турлари иш стажига қўшиб ҳисобланади:

а) фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

— 1965 йилдан кейинги давр учун жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқаришда, агар жамоа хўжалиги аъзоси узрсиз сабабларга кўра, жамоа хўжалигида белгиланган меҳнатда иштирок этиш минимумини бажармаган бўлса, ишланган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан машғул ходимларнинг иш стажини, башарти улар Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса, ижодий уюшмаларнинг бошқарувлари ана шу муаллифнинг асари эълон қилинган ёки биринчи марта жамоат олдида ижро ёки намойиш этилган кундан эътиборан белгилайдилар;

б) ҳарбий хизмат ва партизан отрядлари ҳамда қўшилмаларида бўлиш, давлат хавфсизлиги ва ички ишлар идораларида хизмат қилиш;

в) идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ҳарбийлаштирилган соқчиликдаги, махсус алоқа идоралари ва тоғ-кон-кутқарув қисмларидаги хизмат;

г) якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шу жумладан, якка (гуруҳлар) ижара шароитидаги ёки шахсий ёрдамчи деҳқон (фермер) хўжалигидаги фаолият - Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган тақдирда;

д) 1 гуруҳ ногирони ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт;

е) Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, билим юртларида, кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва янги ихтисосни ўрганиш мактаблари ва курсларида, аспирантурада, докторантурада ва клиник ординатурада кундузги ўқиш, шу жумладан, чет элда ўқиш;

ж) онанинг (ўгай онанинг) болаларини (ўгай ўғилларини, ўгай қизларини) гўдаклик ёшида парваришлаган вақти, лекин кўпи билан ҳар бир бола 3 ёшга тўлгунча, ҳаммаси жамланганда, 6 йил доирасида;

з) офицерлар таркибида бўлган шахслар, прапоршчиклар, мичманлар ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш имконияти бўлмаган жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

и) Ўзбекистон Республикаси муассасалари ва халқаро ташкилотлар ходимлари хотинларининг чет элда бўлган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр;

к) чўпонлар хотинлари, ишга жойлашиш имконияти бўлмаган яйловларда эри билан яшаган вақти, лекин 10 йилдан ошмаган давр.

«е»-«к» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а»-«г» бандларида кўрсатиб ўтилган умумий стаж камида 5 йил бўлган тақдирда иш стажига қўшиб ҳисобланади

Ногирон бўлиб қолган шахслар стажига «е»-«к» бандларда назарда тутилган даврлар ушбу модданинг «а»-«г» бандларида кўрсатиб ўтилган стаж муддатидан қатъи назар қўшилади.

Меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида I ва II гуруҳ ногиронлигида бўлган вақт ёшга доир ёки боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланаётганда стажга қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун пенсияга қўшиб ҳисобланмайди.

Ота-онасидан жудо бўлган (етим) болаларга тайинланадиган боқувчисини йўқотганлик пенсияларини ҳисоблаб чиқариш ҳам ота, ҳам онанинг умумий иш стажига қараб, ушбу қонуннинг 27-моддаси, «г» бандида кўрсатиб ўтилган миқдорда амалга оширилади.

ЗАРАР ҚОПЛАНАДИ

Бир қариндошимдан вақтинча фойдаланиш учун автомашинасини ижарага олган эдим. Ўртада ижара шартномаси ҳам тузилди. Бироқ автомашинадан 2 ой фойдалангач, бузилиб қолди. Уни тузатиш учун устахонага олиб борсам, уста кўпгина эҳтиёт қисмлар эскириб, таъмирталаб бўлиб қолганини айтди. Ижарага топширилган мулкдаги камчиликлар учун ижарага берувчига нисбатан жавобгарлик белгиланганми?

Худойберди ҚИЛИЧЕВ, Қарши шаҳри

– Ҳа, жавобгарлик белгиланган. Жумладан, **Фуқаролик кодексининг 542-моддасига** мувофиқ, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни ундан фойдаланишга тўлиқ ёки қисман тўсқинлик қиладиган камчиликлари учун, ҳатто у шартнома тузиш вақтида булар ҳақида билмаган бўлса ҳам жавобгардир. Бундай камчиликлар аниқланганда ижарачи ўз хоҳишига кўра:

— ижарага берувчидан ё мол-мулкдаги камчиликларни текинга бартараф этишни ёки мол-мулкдан фойдаланганлик ҳақини мутаносиб камайтиришни ёхуд мол-мулкдаги камчиликларни бартараф этиш учун қилган ўз харажатларини қоплашни талаб қилишга;

— ижарага берувчини олдиндан огоҳлантирган ҳолда ўша камчиликларни бартараф этишга сарфланган харажатлар суммасини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан бевосита чегириб қолишга;

– шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилишга ҳақли.

Ижарага олувчининг талабларидан ёки унинг мол-мулкдаги камчиликларни ижарага берувчи ҳисобидан бартараф этиш ниятидан хабардор қилингач, ижарага берувчи ижарага топширилган мол-мулкни тегишли ҳолатда бўлган бошқа шундай мол-мулк билан дарҳол алмаштириб бериши ёки мол-мулкдаги камчиликни текинга бартараф этиши мумкин.

Агар ижарага олувчининг талабларини қаноатлантириш ёхуд камчиликларни бартараф этиш харажатларини мол-мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақдан чегириб қолиши зарарни қопламаса, у зарарнинг қопланмаган қисмини тўлашни талаб қилишга ҳақли.

Шунингдек, шартнома тузиш вақтида ижарага берувчи олдиндан айтиб қўйган ёки ижарага олувчига олдиндан маълум бўлган ёхуд шартномани тузишда ёки мол-мулкни ижарага топшириш пайтида уни кўздан кечирганда ёхуд унинг созлигини текширганда ижарага олувчи аниқлаши керак бўлган камчиликлар учун ижарага берувчи жавобгар бўлмайди.

ЎҚИШНИ ТИКЛАШ... МУМКИНМИ?

Мен 1999 йилда ўзим таҳсил олаётган олий ўқув юртидан айрим сабабларга кўра четлатилган эдим. Шундан буён орадан 7 йил ўтди. Мен ўқишга қайта тикланишим мумкинми? Бу масала юзасидан кимга мурожаат қилишим керак?

Ж.САЪДУЛЛАЕВ, Самарқанд вилояти

– Таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан 1999 йил 24 июлда тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари талабалари (ўқувчилари) ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиб-қоидалари тўғрисида»**ги Низомнинг 18-қисмига асосан, ўқишдан четлатилгандан кейин 5 йилдан ортиқ муддат ўтган ҳолларда талабалар (ўқувчилар) ўқишини тиклаш берилган ваколат доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қарори ёки Давлат комиссияси қошидаги Талабаларнинг ўқишини кўчириш ва тиклаш идораларо комиссияси рухсати билан амалга оширилади.

Қуйидаги ҳолларда эса талабаларнинг ўқишини қайта тиклаш Талабаларнинг ўқишини кўчириш ва қайта тиклаш Идораларо комиссияси қарори билан амалга оширилади:

- талабалар (ўқувчилар) ўқишни бошқа давлатлар таълим муассасаларидан республика таълим муассасаларига кўчириш ёки қайта тиклаш;

- бир таълим муассасаси доирасида, талаба (ўқувчи) ўқишини турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш ёки қайта тиклаш;

- талаба (ўқувчи) ўқишини идоравий тасарруфликдан қатъи назар бир таълим муассасасидан бошқа таълим муассасасига мос, турдош ва турдош бўлмаган таълим йўналишига кўчириш ва қайта тиклаш.

Саволларга ҳуқуқшунос Шерзод РАБИЕВ жавоб берди.

Халқимиз орасида «Узумини енг-у, боғини сўраманг...» деган гап бор. «Мўминобод» МЧЖ мутасаддилари ушбу нақлни бошқача тушунган кўринишади. Акс ҳолда...

Qonun dastagi

УЗУМНИНГ ҲАҚИ

суд тартибида ундирилди



Гап шундаки, Ургут туманидаги «Мўминобод» ширкат хўжалиги тугатиладиган бўлди. Табиийки, токзорларнинг хусусийлаштириб берилишидан боғбонлар хурсанд бўлишди. Ахир, токзорлар хусусийлашса, одамлар яхшироқ меҳнат қилишади, токзорни асраб-авайлашади.

Бироқ шу орада ширкат хўжалиги давридаги қарз қандай узилади, деган гап чиқиб қолди. Дарвоқе, «Мўминобод» масъулияти чекланган жамият билан ширкат хўжалиги ўртасида 2004 ва 2005 йилларда узум етказиб бериш бўйича контрактация шартномалари имзоланганди. Шартномаларда маҳсулот қабул қилиб олингандан кейин етти кундан кечиктирмай, ҳисоб-китоб амалга оширилиши кўзда тутилганди. Бироқ ширкат хўжалиги боғбонлари етиштирган узум маҳсулотини масъулияти чекланган жамият қабул қилиб олиб, ҳанузгача 65 миллион 233 минг 634 сўм қарзни узмаган. 2006 йилнинг 1 мартида ҳар икки тараф мутасаддилари биргаликда тузишган далолатномада ҳам ана шу қарз қайд этилган.

Табиийки, қонун устувор жамиятда ҳеч кимнинг ҳақи ерда ҳам, бировда ҳам қолиб кетмайди. Бу тартиб-қоида ширкат хўжалиги боғбонларининг масъулияти чекланган жамиятдан унмай турган қарзига ҳам бевосита таллуқли. Самарқанд вилояти адлия бошқармаси «Мўминобод» ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси манфаатини кўзда тутиб, «Мўминобод» МЧЖдан 65 миллион 233 минг 634 сўм қарзни ундириб беришни сўраб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Вилоят хўжалик суди жавобгар «Мўминобод» МЧЖдан «Мўминобод» ширкат хўжалигини тугатиш комиссияси фойдасига 65 миллион 233 минг 634 сўм асосий қарзни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди. Давлат божи ва суд харажатлари ҳам жавобгар зиммасига юклатилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида изчил олиб борилаётган ислоҳот самараси ўлароқ, боғ ва токзорлар ўз эгасини топаётир. Бунинг натижасида тайёрловчи корхонага ҳам, аҳоли дастурхонига ҳам ширин-шакар мева-чевалар етказиб бериш имконияти кенгаймоқда.

Абдувоҳоб ОРИПОВ, ҳуқуқшунос

Istiqlol va imkoniyat

МЕҲНАТ УЛУҒЛАГАН ОДАМЛАР

— Бу ерда нима қуришаяпти?

— Эшқувватбой фабрика қураяпти.

— Чордарада фабрикаси бор, дейишади-ку!

— Тўғри, Чордарадаям бор. Аммо бу ерда қураётгани бутунлай бошқача. Йирик иншоот. Пахта толасидан кийим-кечак тайёрлайдиган корхона.

— Э, шундоқ демайсизми? Барака топкур жуда хайрли ишни бошлабди. Яккабоғда қанча одам ишли бўлади. Ўзимизда етиштирилса, маҳсулот ҳам арзон-да.

Бугун Эшқувват Ашуровни юртдошлари шундай таърифлашади. Хўш, Эшқувват Ашуров асли ким?

Бир пайтлар Эшқувват қурилиш ташкилотининг иш бошқарувчиси эди. Ташкилот тугатилгач, у қишлоқда жувозхона қурди. Жувозкашлик қилиб юрган кезлари қўшниси Очил бува бир куни дабдурустдан сўраб қолди:

— Кунжарани нима қилаяпсан?

— Сотаяпман.

— Бунақада биринг икки бўлмайди. Кунжара тайёр емиш, мол боқиб сотсанг, бир неча баробар фойда кўрасан. Сўқимни сўйиб сотсанг, яна фойда.

Чолнинг жайдари фалсафаси Эшқувватнинг ҳаёт тарзига айланди. Кеча-кундуз тинмади, елиб-югурди, ақлини ишлатди. Битта моли ўнтага, жувозхонаси эса пахта тозалаш цехига айланди. Кейинчалик цех негизида ишлаб чиқариш фабрикаси қад ростлади.

— Унинг қўли гул, — дейишади Эшқувватни яқиндан билганлар. — Ишдан чиққан техника воситаларининг эҳтиёт қисмларидан пресслаш ускунаси ясади. Сотувда 30 миллион сўм турар экан. Эшқувватга сув текин — бир миллионга тушди.

— Момиқдан чиққан чигитни ҳам исроф қилмаймиз, молларга берамиз. Чорвачиликни кенгайтирдик. Аввал сўқимга мол боқардик. Энди 100 бош соғин сигиримиз бор. Келгусида сутни қайта ишлайдиган завод қуришни мўлжаллаяпмиз, — дейди Эшқувват Ашуров.

— Тадбиркорлик таваккалчиликни ёқтиради. — Катта бир йиғинда хўжалик раҳбарларидан бири яхши даромад олганини айтиб, мақтаниб қолди. Суриштирсам, даромаднинг асосий қисми музонадан экан. Таваккал, дедим-да, 600 тонна мева сақланадиган музхона қуришни бошлаб юбордим. Яккабоғда мева сероб. Пишиқчилик пайти меваларни хўжаликлардан сотиб олиб, музхонада сақлаб, қишда сотсак, одамларга ҳам фойда, бизга ҳам. Тошкентдаги оғайнилардан бири лимонарий ташкил этганини гапириб қолди. Ўйлаб қарасам, синаб кўрса, бўладиган соҳа. 10 сотих жойда иссиқхона қуриб, лимон етиштирдим. Ўтган йили шу жойнинг ўзидан 10 миллионга яқин фойда кўрдим.

Момиқ фабрикаси, чорвачилик мажмуи, музхона, иссиқхона... Эшқувват Ашуров ана шуларнинг ташвишларидан ортиб, қўшма корхона ҳам ташкил этди.

«Ўзбекистон» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонаси негизида Германия билан ҳамкорликда «Яккабоғтекс» қўшма корхонаси бунёд этилди.

— Хорижликлар сармоясини дуч келган жойга ташламайди. Келиб кўришди, ишларим билан танишишди. Сўнгра рози бўлишди. Чет эл сармоядорлари хусусий мулк эгаларининг нимага қодирлигини тез илғашаркан, — дейди Эшқувват Ашуров.

Табиий матодан маҳсулот ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси бугун қизғин фаолият юритаяпти. Бундан икки йил муқаддам — мамлакатимиз мустақиллигининг ўн уч йиллиги арафасида иш бошлаган бу қўшма корхона вилоятда пахта толасидан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи саноат мажмуи ҳисобланади. «Яккабоғтекс» йилига уч минг тоннадан ортиқ ип-газлама ишлаб чиқариш қувватига эга.

Қўшма корхонанинг умумий лойиҳа қиймати 8,5 миллион АҚШ доллари қийматига тенг. Экспорт салоҳияти эса, 5 миллион долларга яқин.

Мустақилликка қадам қадарёда пахта толасини қайта ишлайдиган биронта ҳам корхона бўлмаганини эътиборга олсак, бу корхонанинг нечоғли аҳамиятга эга экани аён бўлади. Демак, мустақиллик туфайли ўзбек деҳқонининг меҳнати қадр топаяпти. У меҳнати маҳсулидан баҳраманд бўлаяпти. Шунингдек, пахта толасини хомашё сифатида эмас, балки тайёр маҳсулот сифатида четга чиқариш мамлакат иқтисодий салоҳиятининг юксалишида ҳам улкан аҳамиятга эгалигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Қўшма корхонада икки юз нафардан зиёд одам ишлаяпти. Уларнинг аксарияти хотин-қизлар.

Тадбиркорликнинг анча ҳадисини олган Эшқувват Ашуров қишлоғида яна бир янги корхонага асос солибди ва уни «Чайдаритекс» деб номлабди.

— Тоза-озода цехларда бир хилда бежирим кийинган қизларимизнинг ишлашларини кузатганимда қувонаман, — дейди тадбиркор. — Уларнинг юзларидаги хотиржамлик ифодасини кўриб, кўнглим кўтарилади. Демак, уларда эртанги кунга ишонч ҳисси бор, ойлик маошлари тайин. Яхши ишлаб, яхши яшайдилар. Эртанги кунлари эса бугунгидан-да фаровон, тўкис бўлади.

Интилганга толе ёр, деганларидек, бугун хусусий фабрикасига эга бўлган тадбиркор ҳам аслида истиқлол меваларидан баҳраманд бўлаётир. Зеро, у меҳнатни, фидокорона меҳнатлари эса уни улуғламоқда!

Ойдин АНОРОВА, «Инсон ва қонун» мухбири

Qonun ko`magi

АСОССИЗ ДАЪВО

охир-оқибатда рад этилди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Туман қишлоқ ва суд хўжалиги бўлими бош ҳосилоти Р.Боғибеков ва фермер хўжалиги ўртасида имзоланган далолатномага мувофиқ, паст бонитетли бундай майдонларда шўрланиш даражаси анча юқори бўлганлиги сабабли пахта етиштириш мақсадга мувофиқ эмас. Яна бир ҳолат эътиборни тортади. Давлатга пахта сотиш бўйича фермер хўжалигига буюртма берилмаган, яъни хўжалик билан контрактация шартномаси тузилмаган. Шундай бўла туриб, фермердан ҳосил талаб этилгани кишига эриш туюлади. Бунгача тузилган шартномалар фермер хўжалиги томонидан доимо бекаму кўст адо этиб келинган. Туман статистика бўлимидан берилган маълумотномада бу ҳолат ўз ифодасини топган. Бундай вазиятда фермер хўжалиги мутасаддиларини зиммасидаги мажбуриятини бажармаганликда айблаш ноўрин, албатта. **Хўжалик-процессуал кодексининг 24-модда**сида таъкидланишича, туман ҳокимининг юқоридаги қарорларини бекор қилиш хўжалик суди томонидан ҳал этиладиган низолар туркумига кирмайди. Бинобарин, бу ҳолат юқоридаги кодекснинг 86-моддаси, 1-бандида кўрсатилганидек, **«...низо хўжалик судида кўриш учун тегишли бўлмаса, шу юзадан иш юритиш тугатилади»**. Ушбу кодекснинг 55-моддасига асосан даъвони исботлаш мажбурияти томонлар зиммасига юклатилади. Таассуфки, томонлар муҳокама чоғида бу ишнинг уддасидан чиқишолмади, ўзлари илгари сурган даъвони тўлатўкис исботлай олишмади.

Пировардида ана шу ҳолатларнинг барига қонуний баҳо берилди. Исботини топмаган иш ҳаракатдан тўхтатилди. Ҳокимнинг талаби рад этилди ва унинг зиммасига давлат божи ҳамда суд харажатларини қоплаш мажбурияти юклатилди. Фермер хўжалигининг қарши даъво аризаси эса қисман қаноатлантирилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, ҳокимлик можаро сабабчисига айланган 7,3 гектар ер майдони бўйича узоқ муддатли ижара шартномасини тузиш, 2005 йил 21 январдаги 40-сонли қарорини узил-кесил бажариш мажбуриятини ўз гарданига олди. Даъвонинг қолган қисми қайд этилганидек, рад этилди.

Ўртада пайдо бўлган асоссиз низо ана шу тариқа қонуний якун топди. Бироқ бу можаро томонларнинг ҳеч бирига наф ва манфаат келтирмади.

Яқинда Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармаси суд орқали Питнак шаҳридаги «Воҳа» таъминот-ишлаб чиқариш хусусий корхонасига нисбатан даъво қўзғади. Бунга хусусий тадбиркорлар томонидан сотувга чиқарилган яроқсиз ва муддати аллақачон ўтиб кетган ош тузи сабаб бўлди. Корхона раҳбари бу ҳолатни сотувга ош тузи эмас, балки техник туз ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳлади. Назоратчилар эса бунинг аксини таъкидлашди.

Олиб борилган суриштирув тадбирлари масалага тўлиқ ойдинлик киритди. Тадбиркор сотувга ош тузи эмас, балки техник туз чиқарганлигини аниқ факт ва далиллар ёрдамида исботлаб беролмади. Ваҳоланки, ҳар қандай даъво исботи билан ҳақиқий. Ушбу вазиятда эса жавобгар тараф сотувга қўйилган тузнинг тури, сифати, ёрлиғи ҳақида биронта ҳам ҳужжат тақдим этолмади. Яроқлилик муддати ўтиб кетганига 7 ой тўлган ушбу тузни (назорат кунидаги соф оғирлиги – 1762 кило, қиймати — 132,1 минг сўм) Хонқа туманидаги «Қувонч» фермер хўжалигидан сотиб олганлигини тасдиқлай олди, холос. **«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»**ги қонунда сотилаётган маҳсулотни таърифлашнинг қатор тартиблари белгиланган. Хусусан, қонуннинг 5-моддасида қайд этилишича, ишлаб чиқарувчи ўз корхонасининг номи ва жойлашган манзили ҳақида истеъмолчини хабардор қилиши шарт. Бундай маълумот ишлаб чиқариш маркаси ёки товар белгисида кўрсатилган бўлиши ёхуд бошқа усулда тақдим этилиши лозим. Сотувчи (ижрочи) ўз ташкилотининг фирма номи, унинг жойлашган (юридик) манзили ва тартибини истеъмолчига маълум этиши керак. Бундай маълумот лавҳада акс эттирилиши лозим.

Мазкур қонуннинг 6-моддасида эса масаланинг моҳияти янада равшан очиб берилган. Унда қайд этилганидек, **«Ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт. Товар (иш, хизмат) ҳақидаги маълумотда қуйидагилар кўрсатилиши шарт: товар (иш, хизмат) мажбурий талабларга мувофиқ келиши шарт бўлган меъёрий ҳужжатнинг номи: товар (иш, хизмат)нинг асосий истеъмол хусусиятлари рўйхати; баҳоси ва сотиб олиш шартлари; айрим турдаги товарларнинг ишлаб чиқарилган санаси; ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари; товардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш қоидалари ҳамда шартлари; товарнинг хизмат (яроқлилик) муддати ва ушбу муддат тугаганидан кейин истеъмолчи нималар қилиши зарурлиги, шунингдек, бундай ишларни бажармаслик оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар тўғрисида маълумотлар; ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи)нинг номи ва мулкчилик шакли, рўйхатга олиш ва лицензия гувоҳномасининг номери тўғрисидаги маълумот тақдим этилиши лозим».**

Афсуски, назорат ва суд муҳокамаси пайтида ушбу талабларга оид саволларнинг аксарияти жавобсиз қолди. Бунинг устига дастлаб ўтказилган назорат тадбири маҳалида сотувга яроқсиз маҳсулот чиқарилганлигини тадбиркорнинг ўзи ҳам тан олган ва шу юзасидан расмийлаштирилган далолатномани эътирозсиз имзолаган.

Хуллас, сотувчи тараф савдога чиқарилган маҳсулот техник туз эканлигини оғзаки тасдиқлашдан бўлак биронта ҳам ҳужжат ёки маълумот кўрсата олмади. Суд корхона вакилининг шу ҳақдаги кўрсатмасини асоссиз ва молиявий жаримадан халос бўлиш мақсадида ўйлаб топилган баҳона, деб ҳисоблади.

Бундай йўсиндаги «омилкорлик» корхонага наф эмас, кони зиён келтирди. Питнаклик тадбиркор истеъмолчилар манфаатларига хилоф равишда содир этган хатти-ҳаракати учун мўмайгина жаримага тортилди.

Тадбиркорликнинг нони доимо ҳалол бўлиши керак. Зеро, эл-улус ҳам доимо ҳалоллик, поклик ва фидойиликни олқишлайди. Шундай экан, тадбиркорнинг фаолияти ана шу сифатларга йўғрилсагина, йўли равон ва равшан тортиб, омадга етишади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, қонунийлик мутасадди раҳбарга ҳам, назоратчига ҳам, тадбиркорга ҳам бирдай наф келтиради, обрў-эътибор, рутба ва мартабага ҳам шу туфайли эришади. Буни асло унутмаслик лозим.

Арслон НУРЖОНОВ, ҳуқуқшунос, Абдулла СОБИРОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Sharh

ҚОНУННИНГ КУЧИ – ИЖРОСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бош прокуратура ҳузурида ташкил этилган солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши кураш Департаменти органларининг асосий вазифаларидан бири — яширин иқтисодиётнинг шаклланиш йўллари ва механизмларини аниқлаш, мамлакат иқтисодиёти ва тадбиркорлар ҳуқуқларига путур етказаётган қонунбузилишларни фош этишдан иборатдир. Ўтган даврда бу борада етарли амалий тажриба тўпланди. Департамент органлари молиявий таҳлил, тезкор текшируув, жиноят процессуал қонунчилиги асосида тегишли ҳаракатлар ўтказиш ваколати бўлган орган эканлиги назарда тутилиб, мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан қарор талаблари ижросини таъминлаш Департаменти зиммасига юклатилди.

Эндиликда Департамент молиявий разведканинг замонавий тизимини яратиш, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришнинг йўллари ва механизмларини аниқлашга йўналтирилган молиявий, мулкий операцияларнинг мониторингини амалга ошириш, хорижий давлатларнинг ваколатли идоралари ҳамда бошқа ихтисослашган халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишдек янги вазифаларни бажармоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш бир қанча ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишини тақозо этди. Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Департаментга ягона ахборот-компьютер тармоғини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни бериш тартиби тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги қарорлар қабул қилинди.

Булардан ташқари, Марказий банк билан ҳамкорликда **«Пул мабағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларга жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидалари»** ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Кўрилаётган чора-тадбирлар, банк ва бошқа мутасаддди идоралар билан ахборот айирбошлаш, олинган ахборотлар асосида тезкор қидирув ишларини кенг кўламда амалга оширилиши натижасида сўнгги уч ой муддатда 20 дан ортиқ жиноят фош этилиб, 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланиши ва нақдлаштирилишининг олди олинди.

Давлатнинг молия тизимига оид муносабатларда, давлат бюджетини шакллантиришда, юридик ва жисмоний шахслар томонидан солиқ соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилиши ва иқтисодий-молиявий жиноятчиликларнинг олдини олишда кўмак берувчи муҳим омиллардан бири тарғибот-ташвиқот тадбирларидир. Шу маънода, Департамент органлари томонидан қарор ижросини таъминлашга қаратилган 3 мингга яқин тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилди.

Мазкур қарорнинг ижросини тўлиқ таъминлашда бир қатор муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Бундай ҳолларда ҳамкорлик тўғри ташкил қилинсагина кўзланган мақсадга эришилади. Шу боис, Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаменти ходимлари томонидан жорий йилнинг 7-15 сентябрь кунлари республикамизнинг барча вилоятларида ишчи-хизматчилар ўртасида «Жиноий даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни бериш тартиби тўғрисида» деб номланган мавзуда семинар-кенгашлари ўтказилди. Уларда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармалари, Адлия бошқармалари, Мулк қўмитасининг вилоят бошқармалари, Алоқа агентлигининг ҳудудий бошқармалари ходимлари ва оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этишди. Юзмаюз мулоқотларда пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар томонидан ички назоратни олиб бориш, операция қатнашчиларини идентификациялаш, маълумот шакларини тўлдириш ва тақдим қилиш қоидаларини амалга ошириш учун тегишли вазирлик ва идораларнинг вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб бориш ҳақида келишиб олинди.

Қонун ва қарорнинг асл моҳиятини аҳолига етказиш ва бу йўналишда содир этилаётган жиноятларни аниқлаш, олдини олиш борасида маҳалла фуқаролар йиғинларининг хизмати алоҳида аҳамиятга эга. Чунки муайян ҳудудда истиқомат қилаётган аҳолининг оилавий аҳволи ва бошқа хусусиятларини маҳалла фуқаролар йиғинлари яхшироқ билиши ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳар бир маҳаллада мазкур қонун ва қарор моҳиятини тушунтириш борасида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Мулоқотлар чоғида жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ўз ҳудудларида ноқонуний даромад топиш мақсадида яширин фаолият юритаётган шахслар, терроризмга алоқадор фуқаролар тўғрисида тегишли маълумотларни тақдим қилишларини йўлга қўйиш бўйича тегишли тадбирлар режалаштирилмоқда. Шунингдек, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш борасида миллий хавфсизлик, ички ишлар, солиқ, божхона идоралари билан узвий мулоқотда бўлган ҳолда маълумот алмашиш, ҳамкорликда тадбирлар ўтказиш ташкиллаштирилмоқда. Кўрилаётган чора-тадбирлар, тезкор қидирув ишларини кенг кўламда амалга ошириш имкониятларини яратмоқда.

Зеро, қонуннинг кучи унинг ижросида эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА,
Республика бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти ходими



Шаҳар кўрки

«Huquq va burch» tanloviga

ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Кўнгилдаги орзу, дея аталмиш гўзал туйғулар инсонни келажак учун интилиб яшашга ундайди. У фарзандини вояга етказади, уй-жой қуради, эзгу режалар тузади, ниҳол экиб боғу бўстон яратади.

Дарвоқе, фарзанд билан ҳаёт мунаввар. Фарзанд борки, орзулар бардавом. Унинг бахтли келажаги, нурли истиқболи учун яшайди инсон. Зотан, вояга етиб келаётган ёш авлод келажагимизни белгилаб бериши айни ҳақиқатдир. Табиийки, фарзанднинг қандай инсон бўлиб вояга етишиши тарбияга боғлиқ. Тарбия инсон ҳаётининг асосий тамал тоши ҳисобланади.

Ўзаро суҳбатлар чоғида «Мен ўғлимнинг ҳамма айтган нарсасини муҳайё қилдим», «Боламга компьютер ёки машина олиб бердим», деган гап-сўзларга кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Лекин кўпчилигимиз фарзанднинг истагини адо этиш билан унинг тарбияси мукаммал бўлиб қоладими, деган саволни ўзимизга бериб кўрмаганмиз. Қолаверса, тарбиянинг энг нозик ва асосий воситаси — ота-онанинг фарзандга ўрнак бўлиши масаласи ҳам ғоятда муҳимдир.

Агар кўча-кўйда бирор-бир боланинг ножўя хатти-ҳаракат қилаётганини кўрсак, аввало, унинг тарбиясига лоқайд қараётган ота-онани танқид қиламиз. Ўсмир ҳақида фикр юритганимизда ҳам «бу тарбияли ёки тарбиясиз бола», деб хулоса чиқарамиз. Лекин ҳаммамиз ҳам кўчада ножўя юмушга қўл ураётган бегона болани кўрсак, аксарият ҳолларда унга танбеҳ бермаймиз. Кўп ҳолларда: «Менга нима? Уни танимасам, ота-онаси кимлигини билмасам, керак бўлса, ота-онаси тарбия берсин», — деган фикрда индамай ўтиб кетамиз. Айрим ҳолларда эътиборли кишилар бундай болага андак танбеҳ беради. Яна шундай тоифа кишилар борки, улар бундай пайтда: «Қўявер, ҳаётнинг ўзи тарбиялаб қўяди. Ҳали эсини таниганидан кейин ҳаммаси изига тушиб кетади. Боши тошга тегса, билади», — дейишади. Аммо бундай мулоҳазани ҳам тўғри, деб бўлмайди. Бунинг сабаби эса, жуда кўп омиллар билан изоҳланади.

Бир мушоҳада юритиб кўрайлик: ҳаёт ҳар доим тўғри тарбия бериб, кишини кўзлаган манзилига осонгина, ҳеч қандай тўсиқларсиз, муаммоларсиз элтармикан? Йўқ, албатта. Болага, аввало, ота-она, қолаверса, атроф-муҳит ҳақиқий тарбиячи бўла олади. Шу маънода, фарзанд тарбиясини ҳаёт йўриғига ташлаб қўйиш кечирилмас хатодир.

Вояга етиб келаётган ёш авлоднинг келажаги юрт истиқболини белгилаб беришини инобатга олсак, бола тарбияси нафақат ота-она, атроф-муҳит, балки маҳалла, мактаб, мутасадди ташкилотлар, қўйингки, барча-барчанинг зиммасига улкан масъулият юклайди. Бу масъулият оддий вазифа даражасидан юксалиб, Ватан олдидаги бурчга айланади. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз истиқлолнинг илк давридан бошлаб Юртбошимиз раҳбарлигида ёш авлод тарбиясига давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қараб келмоқда. Баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Xalqaro bitim

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

Давлатларнинг ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш борасидаги ҳамкорлиги халқаро ҳамкорликнинг муҳим шакли ҳисобланади. Унинг асосий мақсадлари: фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши кураш ва одил судловни самарали амалга оширишдан иборат. Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш суверен давлатлар ўртасида икки томонлама ва кўп томонлама махсус шартномалар тузиш орқали амалга оширилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга доир универсал битимлар иштирокчисидир. Хусусан, Ўзбекистон 1954 йилги «Фуқаролик процесси масалалари тўғрисида»ги Гаага Конвенцияси ҳамда 1958 йилги «Хорижий арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисида»ги Нью-Йорк Конвенцияси иштирокчиси ҳисобланади.

"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида"ги қонуннинг 28-моддасига биноан Ўзбекистон ҳукумати мамлакатимизнинг халқаро шартномаларини бажариш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда халқаро шартномалар бўйича олинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун масъул вазирликлар, идора ва мансабдор шахсларни белгилайди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 декабрдаги **«Халқаро шартномалар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш тартиби тўғрисида»**ги қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини экспертиза текширувидан ўтказиш ҳамда халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш юклатилган вазирлик ва идоралар рўйхати"**га кўра, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва экстрадиция масалалари Адлия вазирлиги, Прокуратура, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги зиммаларига юклатилган.

Адлия вазирлиги ўз ваколатларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси билан хорижий давлатлар ўртасида тузилган ҳуқуқий ёрдам тўғрисида шартномалар бўйича мажбуриятлар ижросини таъминлаш юзасидан аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиққан ва уни амалга ошириш бўйича фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини кузатиб бориш ҳамда ушбу масалалар бўйича умумий ҳисобот юритилишини тўғри йўлга қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13-майдаги 257-сонли қарорига мувофиқ, Адлия вазирлигида Халқаро-ҳуқуқий бошқарма ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлигининг халқаро ҳуқуқий муносабатлар борасидаги фаолияти самарадорлигини янада ошириш масаласи вазирликнинг 2006 йил 24 апрелидаги кенгайтирилган ҳайъатида алоҳида кўриб чиқилди ҳамда Адлия вазирлиги марказий аппарати ва ҳудудий адлия идораларига тегишли кўрсатмалар берилди. **"Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида"**ги қонуннинг 8-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларни тузиш тўғрисидаги таклифлар Президентга ёки ҳукуматга тақдим этилгунга қадар Адлия вазирлиги билан келишиб олинади. Ушбу йўналиш бўйича Адлия вазирлиги томонидан икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномалар лойиҳалари бўйича 2005 йилда 200 га яқин, жорий йилда эса 60 дан ортиқ юридик хулосалар берилди. Халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишга тегишли шартнома лойиҳалари ҳам шулар сирасидандир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси билан Озарбайжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Украина ва бошқа хорижий давлатлар ўртасида тузилган фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги икки томонлама шартномалар **«Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида»**ги кўп томонлама Минск Конвенцияси асосида амалга оширилмоқда. Бу ҳамкорлик фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлашга қаратилган. Давлатлар фуқаролик ва оилавий ишлар бўйича процессуал ҳаракатларни амалга ошириш, фуқаролик ишлари бўйича қарорларни тан олиш ва ижро этиш, шунингдек, ҳужжатларни топшириш, фуқаролик ҳолатлари ва бошқа ҳужжатларни етказиш орқали бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар.

Минск Конвенцияси бўйича, МДҲга аъзо давлатлар Адлия вазирликларидан фақат Фуқаролик ҳолатлари далолатномалари ёзуви ва нотариат идораларига йилига беш мингдан ортиқ хат ва сўровномалар келиб тушади ҳамда улар бўйича тегишли ҳуқуқий ёрдам кўрсатилади. Шунингдек, мазкур конвенциянинг 80-моддасига кўра, топшириш, жиноий таъқиб қилиш масалалари, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқларига дахлдор ҳамда прокурор санкциясини талаб қилувчи тергов топшириқларини бажариш Аҳдлашувчи Томонларнинг бош прокурорлари томонидан амалга оширилади.

Адлия вазирлиги томонидан **"Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида"**ги қонуни, 7-моддаси ижросини таъминлаш мақсадида, идоралараро ҳамкорлик доирасида 10 та хорижий давлат адлия вазирликлари билан битимлар тузилган. Озарбайжон, Беларус, Грузия, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Украина билан тузилган битимлар шулар жумласига киради. 2004 йил июлида Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси Адлия вазирликлари ўртасида янги таҳрирдаги ҳамкорлик битими имзоланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Озарбайжон, Қозоғистон, Россия Федерацияси, Молдова, Туркманистон, Қирғизистон, Грузия, Тожикистон ҳукуматлари ўртасида ҳуқуқий ахборот алмашиш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар имзоланган ва ана шу битимлар асосида ўзаро ҳуқуқий ахборот алмашилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимиз билан қатор хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, шу жумладан, нодавлат ташкилотлар ўртасида самарали алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқаро муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришни, хусусан, миллий манфаатларимиз ва хавфсизлигимизни таъминлашнинг юридик асосларини мустаҳкамлашни долзарб масала қилиб қўймоқда. Хусусан, ўтган 15 йил ичида халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалалари бўйича кўплаб икки томонлама халқаро шартномалар тузилган. Бундан ташқари, мамлакатимиз томонидан жиноят ва фуқаролик судлови бўйича ҳукуматлараро битимлар ҳам имзоланган. Шу муносабат билан, жиноят ва фуқаролик судлов ишларини юритишни амалга ошириш асослари ҳамда тартибини белгиловчи нормаларни умумлаштириш мақсадида **"Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, вазирлик ва идораларнинг халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги фаолиятларига бир хил талаблар ишлаб чиқилишини ҳамда давлат идоралари томонидан кўрсатилаётган ҳуқуқий ёрдамнинг халқаро андозаларга уйғунлигини таъминлайди.

Давлатимиз учун ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича икки томонлама шартномалар муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳозир амал қилаётган, лекин аксарияти ўн йил олдин тузилган шартномаларни янада такомиллаштириш лозим. Бундан ташқари, Ўзбекистон билан айрим давлатлар ўртасида тегишли шартномалар тузилмаганини ҳам инобатга олиб, бу масалалар билан боғлиқ муаммолар ҳал этилиши зарур.

Давлатимиз томонидан халқаро шартномаларнинг изчил бажарилиши ҳамда барча давлатлар билан кенг қамровли халқаро ҳамкорлик йўлга қўйилгани миллий манфаатларимизга зид таҳдидларга қарши самарали курашиш ва барқарор ривожланишга янада кенг имкониятлар яратди. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, **давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно-мазмуни ва мақсади битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.**

Мурод ҲАКИМОВ,
юридик фанлари номзоди

XXI АСР НАФАСИ

воқеалар, хабарлар, тафсилотлар

Секта асосчиси жазоланди

Яқинда Япония Олий суди «Аум Синрикё» сектаси асосчиси ва унинг собиқ раҳнамоси Сёко Асахарага чиқарилган ўлим

жазосини ўз кучида қолдирди.

Айни пайтда Японияда секта жойлашган биноларда тинтув ўтказилаяпти.

Асахара 13 турдаги жиноятларни, хусусан, 12 нафар кишининг ўлими ҳамда 1995 йили бир неча минг кишининг заҳарланишига сабаб бўлган Токио метросида газ ҳужумини уюштирганликда айбдор, деб топилган. 2004 йил у ўлим жазосига ҳукм этилган эди.

«Аум Синрикё» сектаси томонидан содир этилган жиноят бутун дунёни ларзага солган эса-да, Япония ҳукумати сектани ноқонуний ташкилот, деб эълон қила олмаган эди. Ўз номини "Алиф" дея ўзгартирган ушбу ташкилот, махсус хизматлар назорати остида бўлса ҳам, ҳануз фаолият кўрсатиб келаяпти.

Вайра Вике-Фрейберганинг қарори

Латвия президенти Вайра Вике-Фрейберга БМТ бош котиби лавозимига ўз номзодини қўйишга тайёр эканини маълум қилди. Латвия президенти ўзининг мазкур қарорини "тенг ҳуқуқлик сари ташланган

яна бир қадам", дея баҳолади.

"Мен жиддий ўйлаб, сўнг шундай қарорга келдим. 60 йил давомида бирон-бир аёл БМТ бош котиби лавозимига сайланмаган. Ўйлайманки, ҳозирда ушбу анъанани бузиш учун яхши имконият бор", — дейди Вайра Вике-Фрейберга.

БМТнинг ҳозирги раҳбари Кофи Аннаннинг ваколати эса келгуси йилнинг 31 январида ўз якунига етади.

Афғонистон: террорчилик хуружи

Афғонистон жанубида террорчи-камикадзе велосипедда НАТО ҳарбийлари патрулига ҳужум қилди. Содир этилган портлаш натижасида бир неча нафар аскар ҳалок бўлди.

Воқеа Қандаҳор вилоятининг Панжоб туманида рўй берди. Террорчи маҳаллий аҳолига озиқ-овқат тарқатаётган канадалик ҳарбийлар яқинига келиб, ўзини портлатиб юборган.

Афғонистон полициясининг маълумотларига қараганда, бир неча нафар канадалик аскарлар ҳалок бўлган, ўн нафардан ошиғи яраланган. Маҳаллий аҳолининг 25 нафари оғир тан жароҳати олган. Уларнинг аксарияти — болалар.

Ироқ: қурбонлар сони ортмоқда

Ироқнинг Киркук шаҳрида содир этилган теракт-лар натижасида 24 нафар киши ҳалок бўлди, 84 нафари яраланди. Маҳаллий полиция маҳкамасидан олинган маълумотларга қараганда, шаҳарнинг турли ҳудудларида бир неча тузоқ-миналар ҳамда портловчи моддалар тўлдирилган икки автомобиль портлатиб юборилган.

Оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, теракт қурбонлари сони яна ортиши мумкин. Чунки яраланганлар орасида ўлим билан олишаётганлар кўпчиликни ташкил этади.

Тайфун жунбушга келди

Япония қирғоқ назорати хизматининг маълумотларига қараганда, «Сан-сан» тайфуни қурбонлари сони 9 нафарга етди. Тайфун япон қирғоқларига етиб

келгандан буён 260 нафар киши табиий офатдан зарар кўрди. Минглаб одамлар ўз уйларини ташлаб, хавфсиз ерларда жон сақлаяпти.

Ҳозирги пайтда тайфуннинг шиддати пасайган бўлса-да, унинг марказида шамол тезлиги соатига 126 километрни ташкил этади. Тайфун Японияннинг шимоли-ғарби – Хонсю ороли томон ҳаракатланаяпти.

Интернет материаллари асосида Отабек НАҲАНОВ тайёрлади

Jinoyat va jazo

ИККИ УМР ЗАВОЛИ

Бу воқеа 2006 йилнинг 7 январида, изғиринли қиш кунларининг бирида рўй берди. Оғир ўй-хаёллардан толиққан Манзура кўнглини бироз ёзиб келиш учун кўчага отланди. У турмушидан ёлчимаган, гарчи кўзмунчоқдек қизчаси бўлса-да, арзимас баҳона-ю сабаблар билан эридан ажралган, шу боис ёлғизликнинг оғир юкидан эзилиб юрганди. Бир қарашда, уни ёлғиз, деб ҳам бўлмас, опаси Феруза, жиянлари билан бирга яшар, улар бариси Манзуранинг атрофида парвона бўлишарди. Аммо қизи Моҳичеҳра дадасини соғиниб, хархаша қилганида Манзуранинг юрак-бағри ўртанар, кўз очиб кўрган умр йўлдоши билан кечган дамларини қўмсарди. Бундай кезларда у ўзини қўярга жой тополмас, ўзига суянч, далда излаб қоларди.

Суд очерки

Манзура тушкун кайфиятда кўчага чиқиб, қаёққа боришини билмай, иккиланиб турди. Кейин беихтиёр йўл четидаги «Интернет-кафе» томон юрди. Иккиланиб ичкари кираркан, бир четда ўтирган истарали йигит унинг диққатини тортди.

— Ҳойнаҳой, шу ерда ишласангиз керак-а? — сўради Манзура бироз хавотирланиб.

Бекорчиликдан юраги «тарс» ёрилай, деб турган йигит рўпарасида турган ёшгина жувонга илтифот кўрсатиб, ёнидаги курсига ишора қилди. Бу йигит Тоҳир Нишонов бўлиб, Хонобод шаҳридан экан. Ширинсухан Тоҳирга нисбатан Манзуранинг кўнглида илиқлик пайдо бўлди. Улар алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди. Кеч бўлиб қолганини айтиб, Манзура ўрнидан қўзғалди. Тоҳир кузатиб қўйиш учун унинг ортидан эргашди. Йўл-йўлакай Манзурадан уй телефонини сўраб олган Т.Нишонов кейинчалик жувонга тез-тез қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўраб турди. Тоҳирнинг ширин муомаласидан тасалли топган Манзура Тоҳир учрашувга таклиф қилганида ўйлаб ўтирмай рози бўлди. Манзура учрашувга иштиёқ билан тайёрланаётганини кўриб, опаси Феруза Рамазонова ундан қаерга отланаётганини сўради. Манзура ўйланиб туриб, жўяли баҳона топди:

— «Интернет-кафе»дан иш топдим, опа. Кафе хонадонда жойлашган экан, менга маъқул бўлди. Кечиксам, хавотир олманг. Қизимни ҳам ўзим билан олиб кетаман...

Феруза ётиғи билан синглисига кеч бўлиб қолганини тушунтирди. Аммо Манзура унга эътироз билдирди:

— Опа, биласиз, ишламасам, бўлмайди. Уйда ўтирган билан биров менга бир сўм берадими?!

(Давоми тўртинчи бетда)

«Huquq va burch» tanloviga

ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Жумладан, вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, бу йўналишда масъул давлат идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштириш мақсадида 2000 йил 21 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг **«Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»**ги қарори қабул қилинган эди. Вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссияларнинг вазифалари ва назорат функцияларини белгилаб берган мазкур қарор ижроси билан танишиш жараёнида ҳали бу борада амалга оширишимиз лозим бўлган бир қатор вазифалар борлиги ҳам маълум бўлди.

Ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, улар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини-ўзи бошқариш идоралари, ўқув муассасалари ва ёшлар билан ишлашга масъул бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳокимликлар ҳузуридаги комиссиялар фаолиятини янада такомиллаштиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Чунки олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳаётда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик содир этилиши ҳали учраб турибди.

Келинг, мулоҳазамизни ҳаётий мисоллар билан давом эттирайлик. Вояга етмаган Станислав Клемашевский ўзи қоровуллик қилаётган заводга қош қорайганда туғилган кунини нишонлаш баҳонасида тенгдошларини таклиф этди. Зиёфатни қуюқ ўтказиш учун болалар спиртли ичимлик ҳам истеъмол қилишади. Шундан сўнг улар завод ҳудудини айланишга чиқишади. Уч оғайни заводнинг бир биноси томидаги тунукалар алюминийдан эканини билишгач, ҳеч иккиланмасдан жами қиймати 270 минг сўмлик алюминий тунукаларни қўпориб олишади-да, қўлма-қўл қилиб, кўчага ташиб чиқишади. Улар тунукаларни нотаниш кимсага пуллашаётган пайтда назоратчилар томонидан қўлга олинади... Қаранг, бир воқеанинг ўзида икки-уч қоидабузарлик ҳолати мавжуд. Аввало, вояга етмаган шахсга завод биносига қоровуллик қилиш учун изн берган маъмуриятнинг эътиборсизлигини қандай баҳолаш мумкин? Қоларверса, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда ўғирлик жинояти содир этгани болаларнинг ота-оналар томонидан назорат қилинмаслигини кўрсатиб турибди.

Бошқа бир мисол. Бир амаллаб 4-синфни тугатган Бобур Зиятуллаев кўчада сандироқлаб юришга, кўнглига келган ишни қилишга одатланган. Кунларнинг бирида унинг хаёлида пулдор бўлиш истаги туғилиб, ўзича режалар тузади. Унга бозордаги бирор кишининг пулини ўмариш энг қулай ва осон йўл бўлиб туюлади. Режасини амалга ошириш учун у 14 ёшли Жавоҳир Маҳмудовни ўзига шерик қилиб олади. Улар «Қўйлиқ» бозорида савдо расталарини оралаб юрган Шоҳида Худойбердиевани кўз остига олишади. Қулай фурсат топиб, одамлар гавжум бўлган жойда аёлнинг сумкасини олиб қочишади. Ш.Худойбердиеванинг қўлидаги сумкада 143 000 сўм пул бор экан. Панароқ жойга бориб пулни ўзаро тақсимлаб олган «шоввоз»лар барибир болалигига боришади, яъни аввал қоринларини тўйғазиб, мириқиб компьютер ўйнагач, яна бозорга қайтиб келишади. Жабрланувчи уларни таниб қолади. Шундан сўнг ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан бу икки вояга етмаган жиноятчи қўлга олинади.

Бошқа бир қоидабузар Ҳусниддин Файзиев ўзича тезроқ ва кўпроқ пул топишни ўйлаб, қўли-қўлига тегмай савдо қилаёган Гулхуморни кўз остига олади. Унинг ғашига тегиш учун илмоқли гаплар қилади. Аввалига эътибор қилмаган Гулхумор охири сабри чидамай Ҳусниддин билан уришиб кетади. Бу ҳолатдан Гулхуморнинг акаси Санжарнинг жаҳли чиқади.

Кейинги воқеа кўз очиб юмгунча содир бўлди: Санжар Ҳусниддиннинг ёқасидан тутиб ўзига тортди. Бундан ғазабланган Ҳусниддин стол устида турган пичоқни олиб, Санжарнинг орқасига уради. Бу ҳаракати билан у Жиноят кодексининг 277-модда «в» бандидаги жиноятни содир этади. Ҳусниддин қилмишига яраша жазоланади.

Вазирлар Маҳкамасининг **«Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»**ги қарорида жумладан, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш чораларини амалга ошириш зарурлиги уқтирилган. Шу билан бирга, давлат идоралари, ўзиниўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятларини мувофиқлаштириш лозимлиги таъкидланган.

Дарҳақиқат, вояга етмаган ёшларнинг онгини, тафаккурини янада шакллантириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларини янада жонлантириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир.

Оила – тарбия ўчоғи. Унинг пойдевори нечоғли мустаҳкам ёки мўртлиги фарзанднинг ҳулқ-атворида намоён бўлади. Халқимиз қуш уясида кўрганини қилади, дейди. Ушбу мақол замиридаги ҳаёт ҳақиқатини унутиб қўймайлик. Зеро, умр йўлларида ўзидан яхши ном қолдирмоқнинг бирдан-бир йўли оқил ва комил фарзандларни тарбиялашдирки, бундан нафақат ота-она, балки бутун жамият наф кўради.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

Sirli dunyo

Собиқ шўро даврида бир-биридан аянчли ва мудҳиш кўплаб фожиали воқеалар рўй берган. Бироқ уларнинг бари гарчи минглаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган катта фожиа бўлса-да, халқдан қаттиқ сир тутилган.

ҲАЛОКАТ СИРЛАРИ

Шундай фожиали воқеалардан бири бундан роппа-роса 20 йил муқаддам юз берганди, — деб ёзади «АиФ» газетаси. — Ўшанда денгизда кема ҳалокати содир бўлганди. Аниқроқ айтганда, катта тезликда бир-бирига қарама-қарши келаётган «Пётр Васев» теплоходи ва «Адмирал Нахимов» кемалари очиқ денгизда тўқнашиб кетади.

Бу машъум фожиа юз берган сана — 1986 йилнинг 31 августида «Адмирал Нахимов» кемаси 34-денгиз бандаргоҳидан Новороссийск томон йўл олади. Кемада собиқ иттифоқнинг турли ҳудудидан келган 900 нафардан зиёд сайёҳ ва 346 нафар кема хизматчилари мовий денгизнинг сирли чайқалишига маҳлиё бўлганича ўз манзиллари сари ошиқишарди.

Шуни айтиш керакки, ўша кун кемадаги сайёҳларнинг кайфияти жуда баланд, ҳеч ким бирон-бир хавф-хатарни хаёлига ҳам келтирмай, ҳаётдан завқ олишга уринарди.

«Ваҳима қилманг, штурман!»

Қисқаси, кемада соат миллари 22.00 ни кўрсатгунга қадар ана шундай кайфият ҳукмрон эди. Кейин эса... Денгиз узра тун пардаси ёйилган айни шу дақиқаларда денгизнинг иккинчи томонидан махсус юк билан Канададан келаётган «Пётр Васев» кемаси чегарага — Новороссийск бандаргоҳига яқинлашиб қолганди. Кема ҳаракатини навбатчи ботсман узлуксиз назорат қилиб борарди. Денгиз транспортининг халқаро меъёрларига мувофиқ, «Адмирал Нахимов» кемаси «Пётр Васев» теплоходига йўл бўшатиши лозим эди. Бироқ навбатчи ботсманнинг қатъий буйруғига кўра, экипаж аъзолари аксинча йўл тутишади. Фақат соат миллари 22. 47 ни кўрсатаётган паллада «Адмирал Нахимов» кемасининг капитани Вадим Марков белгиланган йўналишни кескин ўзгартириб, кемани соҳил томон бориш ҳақида буйруқ беради ва шу заҳотиёқ хотиржамлик билан кузатув ўрнини тарк этади. Унинг ўрнини штурман А.Чудковский эгаллайди. Айни ўша пайтда «Пётр Васев» кемаси ҳам ўз йўналишини бандаргоҳ томон ўзгартиради. Фақат «Адмирал Нахимов» кемасидаги ҳамкасбидан фарқли ўлароқ, теплоход капитани Виктор Ткаченко бу пайтда ўз жойи-кузатув ўрнида турарди. У айнан шу йўналишнинг автоматик радиолокацион қурилмасини ёқиб, нигоҳини экрандан узмасди.

Соат 23.05. Штурман Чудковский (кейинчалик ғаввослар унинг жасадини ичкаридан қулфланган каютадан топишди) «Пётр Васев» теплоходи билан қисқа тўлқин орқали алоқа боғлаб, **«Биз сизларни ўтказиб юборамиз!»** — деган хабарни олади. Аммо шунга қарамай, икки улкан кема бир-бири томон шитоб билан бостириб келарди. «Адмирал Нахимов» кемаси кузатув ўрнидан теплоходнинг тумшуқ ва қуйруқ қисми аниқ кўриниб турарди. «Пётр Васев» теплоходидан ҳам лайнернинг ёрқин сахни аниқ кўзга ташланиб турарди. Бироқ кема капитани Ткаченко бу пайтда очиқ денгизга эмас, балки экранга тикилиш билан овора эди.

Энг ёмони, у қўл остидаги ходимнинг яқинлашиб келаётган хавф ҳақидаги ваҳимали огоҳлантиришига ҳам бамайлихотир жавоб қилади: **«Ваҳима қилманг, штурман! Экранда гўзал кесишув намоён бўлмоқда»**.

Аслида эса икки улкан кема тўқнашишига бор-йўғи бир неча сония қолганди, холос.

Соат 23.09 «Адмирал Нахимов» кемаси хизматчилари яқинлашиб келаётган хавфни сезиб, азбаройи тўқнашувдан сақланиш учун кема чамбарагини шитоб билан ўнгдан чапга 5 даража, сўнг яна ўн даражага буришади. Иккинчи томондан, айни шу дақиқаларда «Пётр Васев» теплоходи капитани «Тўлиқ ортга» деган буйруқни беради. Бироқ аллақачон фурсат ўтиб бўлган, энди рўй бериши муқаррар ҳалокатни ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди. Кемадаги соат миллари 23.12 ни кўрсатарди. Айни шу дақиқаларда теплоход бурун қисми билан 5 узел (8 км/с.) тезликда келаётган йўловчи лайнер бортига зарб билан бориб урилди. Икки улкан кеманинг ҳалокати шу тариқа содир бўлди...

«Ҳалок бўлмаганимга афсусланаман...»

Кейинчалик бу ҳалокатдан бахтли тасодиф туфайли омон қолган кишиларнинг хотирлашича, икки кеманинг кучли тўқнашувини аввалига кўпчилик ҳатто пайқамаган. Фақат тўқнашув содир бўлгач, бирданига кеманинг чироқлари ўчиб қолган. Бунинг устига, кемадагилар ўзларини турлича тутишган, кимдир бирдан ваҳимага тушиб, ўзини тўрт томонга урганча дод-вой солган, яна кимлардир қўрқувдан ранги оқариб, карахт бўлиб қолган. Ана шундай таҳликали бир вазиятда кеманинг электр механиги Виктор Белан ўз жонини хавф остига қўйиб, чироқларни ёққан.

Таъкидлаш жоизки, «Адмирал Нахимов» номидаги кемада қутқарув анжомлари, жумладан, махсус оёқ кийимлар, қутқарув жилетлари ва баллонлар мавжуд бўлган. Бироқ лайнер 7-8 дақиқа ичида сувга батамом ғарқ бўлган ва денгизга бор-йўғи биттагина ёрдамчи қайиқни туширишга улгуришган. Ҳаёти қил устида турган йўловчиларнинг аҳволи шунчалик аянчли эдики, улар азбаройи таҳликага тушиб қолишганидан мавжуд имкониятларни ҳам ишга солишга улгуришмаган. Айтайлик, оддийгина қутқарув жилетларидан қандай фойдаланишни аксарият йўловчилар билишмаган. Кўпчилик қутқарув жилетини тескари кийиб олгани учун бошлари сувда, оёқлари эса осмонда бўлиб қолган. Йўловчиларнинг хавфсизлиги учун жавобгар бўлган капитан ёрдамчиси Просвер ғарқ бўлаётган кемадан биринчилардан бўлиб сувга сакраган. Капитан ҳам денгизга сакрашдан ўзини аранг тутиб қолади. Кейинчалик бу воқеаларни хотирлар экан, капитан чуқур надомат билан шундай деган эди:

«Ўшанда нега кемадаги бошқа сайёҳлар каби жон таслим қилиб қўя қолмадим экан-а?! Балки Худо бир умр виждон азобида изтироб чексин, дея менинг жонимни олмагандир... Нима бўланда ҳам, ўшанда бошқалар қатори ўлиб кетмаганимга жуда қаттиқ афсусланаман!»

Воқеаларнинг давоми шунчалик шиддатли тус олганки, бунга кишининг ҳатто ақли бовар қилмайди. «Адмирал Нахимов» кемаси саҳни кўз очиб, юмгунча 40 градусга оғиб кетган. Жон ваҳмида денгизга сакраётган одамлар тобора оғиб бораётган кеманинг панжара ва сиртига келиб урилишарди. Денгизда жон талвасасида типирчилаб, тирик қолишга уринаётганларнинг устига кема бортидаги стуллар, бочкалар, турли хил темир-терсаклар ағдариларди. Бу ҳам етмагандек, сув юзини қорамой қоплаб олганди. Бироқ ҳаммадан ҳам, кеманинг пастки палубасида жойлашган йўловчиларга жабр бўлган. Уларнинг аксарияти ҳалокат содир бўлган кеманинг қоронғи залларида, тор йўлакларда бир-бирларини бағрига босганча, қанчалар оғир бўлмасин, ҳаёт билан видолашаётган эдилар.

Қутқарув ишларига олтмиш нафарга яқин ғаввослар жалб этилган. Кузатув катерлари, чегарачи кемалар, йўловчи ташувчи «Комета» кемаси ҳам бу ишдан четда қолмаган.

Таъкидлаш жоизки, ҳалокат оқибатларини тугатиш ишлари то тонгга қадар давом этган. Тонг ёришса бошлаган паллада ҳаво кучлари ҳам қидирув ишларига жалб этилган. Қутқарув ишлари сарҳисоб қилингач, 801 нафар кишининг ҳаёти сақлаб қолингани маълум бўлди. Фожиа рўй берган куни соат 18. 00 га қадар узоқ-узоқларга оқиб кетган яна 35 нафар йўловчи ҳаво кучлари томонидан қутқариб олинди. Қурбон бўлганларнинг жасади Новороссийск портининг 15-тўхташ жойига дафн этилган. Денгиз юзидан ҳаммаси бўлиб 79 нафар кишининг жасади йиғиб олинган.

Икки улкан кема денгиз қаърига - 74 метр чуқурликка чўкиб кетган эди. Қурбон бўлганларнинг аксарияти «Адмирал Нахимов» кемасининг сайр қиладиган саҳнида эди. Пароходнинг ичида 279 нафар киши ҳалок бўлган эди.

Бироқ бу фожиа рўй берган дамда ҳам, бугун ҳам бир савол очиқ қолмоқда: нега тинч ва сокин денгизда кемалар кутилмаганда тўқнашиб кетди?

Орадан шунча йиллар ўтса-да, бу саволларга бирон-бир жўяли жавоб топилмади. Натижада ҳалокатнинг асосий сабаби қуйидагича изоҳланди: «Икки кема капитани ҳам ўз ишига совуққонлик билан қараган. Ва шунинг оқибатида фожиа рўй берган».

Кейинчалик суд жараёнида (икки кеманинг капитани ҳам 15 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, фақат орадан 5 йил ўтгач, улар афв этилган) капитан Ткаченконинг ўзи ҳам буни тасдиқлади: «Мен ўз вазифамга совуққонлик билан қараб, пароходга йўл бўшатишга рози бўлдим. Шунинг оқибатида ҳалокат рўй берди...»

Аммо бундан бошқа сабаблар ҳам йўқ эмас эди.

Айтайлик, «Адмирал Нахимов» номидаги кеманинг пастки палубаларига умуман ҳаво сўргич мосламалари ўрнатилмаганди. Шу боисдан ҳам, бу жойдаги йўловчиларнинг аксарияти ҳаво етишмаслиги туфайли ҳаётдан кўз юмишган. Бундан ташқари, «Адмирал Нахимов» номидаги кемага 600 нафардан ортиқ йўловчи олинмаслиги лозим эди. Бироқ бу қоидага ҳам ҳеч ким амал қилмаган.

Шунингдек, ўша рутубатли оқшомда денгиз транспорти қатнови жадвалига мувофиқ, «Адмирал Нахимов» кемаси «Петр Васев» теплоходига рўбарў келиши мутлақо кўзда тутилмаганди. Аммо... Ҳаёт бахтсиз тасодифларга тўла... «Пётр Васев» теплоходи соҳилда кема хизматчиларига берилажак мукофот пулини кутиб, 24 соат қолиб кетишган. «Адмирал Нахимов» номидаги лайнер эса денгиз соҳилидан бир неча чақирим олислаб кетгач, махсус буйруқ билан тўхтатиб қўйилган.

Яна бир ҳайратланарли воқеа шундан иборатки, ўша кун Одесса вилоятининг нуфузли раҳбарларидан бири «Адмирал Нахимов» номидаги кемада кетиши керак эди. Бироқ у қирғоққа кечикиб етиб келади ва аллақачон жўнаб кетган кемага кичик қайиқда сузиб етиб олади. У кема саҳнига кўтарилган маҳал кемада кетаётган оила аъзолари қувончдан қичқириб юборишади. Минг афсуски, фожиа содир бўлгач, у тақдирга тан берган қўйи рафиқаси, қизи ва набирасини бағрига босганича бу ёруғ дунёдан кўз юмади...

«АиФ» газетасидан Дилфуза ПАРПИБОЙ қизи таржимаси

Ehtiyot bo`ling, firibgar!

НАФС БАНДАСИ

ундан қанча эҳтиёт бўлсак, шунча яхши

Анқов одамни ширин ёлғонларига чиппа-чин ишонтириб кетадиган Алдаркўса ҳақидаги ҳазил-мутойибаларни кўп эшитгансиз, мириқиб кулгансиз. Бироқ дуппадуруст одамнинг ишончига кириб, бошқача айтганда, «ухлатиб» қўйиб, она сутидай ҳалол молмулкини ўмариб кетганни ким деб аташ мумкин?

Турсуной опа бу аёлни ўзи яшайдиган Қарши шаҳрининг 3-кичик туманида илк бор учратганида, очиғи, юриш-туриши, кийинишини кўриб ҳаваси келганди. Кейинроқ кўнгли ийиб, салом-алик қиладиган ҳам бўлди. Бора-бора қуюқ сўрашишиб, дардлаша бошлашди. Танишганларидан бор-йўғи уч кун ўтиб, Роҳила исмли бу аёл опадан 30 минг сўм пул қарз сўраб келганида ҳам ҳеч иккиланмай бериб юборди. Орада бир гўдакни неварам, деб етаклаб келиб, меҳмон бўлиб кетганида, Жамила исмли қизим бор, гинеколог врач, уни туғруқхонага ишга жойлаштирдим, деганида ҳам опа Роҳиланинг гап-сўзларига шубҳа қилмади. Кўп ўтмай Роҳила олган қарзини бериб кетди. Бироқ орани совутмай яна қарз сўраб, важини айтди:

– Айланай, уй олмоқчиман...

— Жуда яхши-да, уйни, мана, мен топиб бераман.

— Тахминан қанчага беради?

— Мен билган ўша уй 3,5-4 миллиондан ошмайди.

— Ўҳ-ҳу, бунча пул менда йўқ.

— Анави тилло тақинчоқларингизнинг ўзи 5 миллион туради-ку, нимасини ўйлайсиз?

— Қайдам?

— Қизим Жамиланинг эри катта жойда ишлайди, яқинда 4 миллион сўм олиб келади. Нақд пулини бериб, қизгинам оладиқўяди.

Турсуной опа бунақа тили ёғли, сўзамол аёлни биринчи бор кўриб турганидан шекилли, унга астойдил ишониб қолган эди.

Шу йилнинг бошида Роҳила опа уйига келиб, қизи Жамила келганини, тақинчоқларни кўриб, нархини келишиб олмоқчилигини айтиб қолди. Опахон ҳам ҳаялламай шу куннинг ўзида тақинчоқларини тугунга тугди-да, ишончли харидор топилганидан қувониб, Роҳила ижарага турадиган уйга югурди. Жамила тақинчоқларни бир-бир тақиб, ҳатто баъзиларини тишлаб ҳам кўрди. Онаси айтгандай, нархини чиқарди:

— Ҳаммаси бўлиб 3,5 миллион. Ундан ошмайди. Сиз буларни ташлаб кетинг. Эртага биздан пулини оласиз. Бугун мен буларни устасига текширтириб келаман.

Эртаси куни эса Роҳиладан ҳам, унинг қизи Жамиладан ҳам дарак бўлмади. Бу воқеадан икки ойча бурун ўзини гинеколог врачман, деб таништирган «қаҳрамон»-имиз бошқа бир Н.исмли аёлнинг ҳам ишончига кириб, 115 минг сўмлик чарм плаш ва 55 минг сўмлик чарм курткасини олиб қолиб, пулини бермай жуфтакни ростлаб қолганидан Турсуной опа бехабар эди. Кўп йиллик тақинчоқларидан айрилиб қолган опахон она-бола фирибгарларни қидириб бормаган жойи қолмади. Ниҳоят, Жамилани Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳридан топиб, у билан юзма-юз бўлиб, тақинчоқларини сўраганида, аввалига у опани танимасликка олди. Кейин эса тақинчоқлар менда эмас, онамда, жуда бўлмаса, ҳар ойда 200 минг сўмдан қарзингизни тўлаб тураман, дея бўйнига олди.

Аслини олганда, Жамила икки нафар фарзанди билан эридан ажралган, ҳеч қаерда ишламас, қиғир йўл билан пул топиб, кун кўрадиганлар хилидан экан. Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди айбдорни шартли ҳукм қилиб, 2 йил синов муддати белгилади. Мулкий зарар ҳам ундан тўлиқ ундириладиган бўлди. Ушбу воқеанинг аччиқ сабоғи эса битта: йўл ошнаси, пул ошнасидан қанча эҳтиёт, огоҳ бўлсак, шунча яхши.

Р.ҚУШОҚОВ,
ҳуқуқшунос,
Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири



ЭЪЛОН!

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси Гулистон шаҳридаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси ва Ховос туманидаги 2-сонли нотариал идораси нотариуси лавозимларига танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддатда Сирдарё вилояти адлия бошқармасига.

Қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

1. Нотариат бўйича Малака комиссияси номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида ишламаган фуқаро қайта имтиҳон топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
7. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисида тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ал-Хоразмий номидаги кўча, 24 уй.
Маълумот учун телефонлар: 25-09-69, 25-00-93, 25-01-55.

Jinoyat va jazo

ИККИ УМР ЗАВОЛИ

Суд очерки

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Начора, унинг гапи тўғрилиги боис, Феруза ортиқча гапирмади. Манзура қадрдон қўшниси Гўзал опага қизини қолдириб, келишилган жойга етиб борди. Сабрсизлик билан кутиб турган Тоҳир уни жуда илиқ қаршилади. Шу атрофда турадиган бир таниишиникига «зарур иш билан кириб-чиқиши керак»лигини айтиб, гаражлар орасидаги пинҳона йўлдан Манзурани эргаштириб кетди. Унинг гапларига астойдил ишонган аёл сира иккиланмай ортидан бораверди. Одамлар назаридан чет, овлоқ жойга етиб келишганида, Тоҳир аёлга тегажоғлик қила бошлади. Бундай муносабатни кутмаган Манзура йигитга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Ғазабланган Тоҳир бор кучи билан Манзуранинг юзига икки шапалоқ туширириб, бўйнидан қаттиқ бўғди. Аёл ерга юзтубан йиқилиб, ҳушидан кетди. Инсоний қиёфасини буткул йўқотиб, ваҳшийлашган Тоҳир Манзуранинг юзига қор суртиб ўзига келтирди. Аёлнинг қимматбаҳо буюмларини қўлга киритишни мўлжаллаган Тоҳир Манзуранинг сумкасини қўлига олиб, узун даста билан аёлни бўға бошлади. Жон талвасасида типирчилаётган Манзура бағритош махлуққа қанчалар ялиниб-ёлвормасин нафи бўлмади: беш-олти дақиқадан кейин аёл қимирламай қолди. Қотил аёлнинг тилла буюмлари, пули, қўл телефонини олиб, воқеа жойидан гумдон бўлди: катта кўчага чиқиб, такси ёллади-да, Сирғали туманида турадиган опаси Азизаникига йўл олди.

Бемаҳал ташрифидан истиҳола қилдими, Тоҳир опасининг қўлига ўғирланган узукни тутқазди. Қолган буюмларни: тилла узук ва зирак, кулонли олтин занжир ҳамда «Самсунг» русумли қўл телефонини Азизага кўрсатиб, уларни қаерда сотиш мумкинлигини сўради. Аёлнинг: «Қаердан олдингиз буларни?», — деб берган саволига Тоҳир силлиққина жавоб қилди:

— Танишимники. Ҳаммасини ўзим олиб берганман. Кеча қаттиқ жанжаллашиб қолдик, юз кўрмас бўлдик. Ўзим олиб берганимдан кейин қайтариб олиб қўйдимда, ҳаққим бор-ку, тўғрими?..

Ярим оқшом бўлиб қолганига қарамай, Тоҳир Азиза опанинг ўғли Шуҳрат билан «яримта»ни майдалаб, тилла буюмларни Олой бозорида сотишга келишиб олишди.

* * *

Ўша машъум фожиа рўй берган оқшом Манзура Умурованинг опаси Феруза эса, тонггача мижжа қоқмай чиқди. Тонгги соат олтиларда эшик қўнғироғи чалинди. Эшикни шошиб очган Феруза қўшниси Гўзал опани кўриб, хавотири баттар ортди.

— Қизини Манзура менга ташлаб кетганди. Тинмай йиғлаяпти, олиб чиқиб берайми? — сўради Гўзал опа.

— Майли, олиб чиқинг. Лекин Манзуранинг ўзи келмади, юрагим ғаш, синглимдан роса хавотир олаяпман...

Феруза жияни билан бироз андармон бўлди-ю, барибир дилхиралиги тарқамади. У синглисини кечгача интиқ кутди. Шом маҳали М.Умурованинг жасадини топган ИИБ ходимлари марҳуманинг опаси Ферузага хабар беришди. Қотилни топиш узоққа чўзилмади.

* * *

Бу орада боши оғриб уйғонган Тоҳир Нишонов Ш.Асланов билан Олой бозорига бориб, тилла буюмларини 65.000 сўмга пуллади. Тоҳир кун бўйи кўча-кўйда санқиб, кечга томон таниши Н.Собировникига кириб борди. Мезбон билан овқатланиб олгач, дарҳол пинакка кетди. Тезкор қидирув гуруҳи ходимларининг изчил ҳаракатлари туфайли бу кеча дам олиб, эрталаб жуфтакни ростламоқчи бўлган Т.Нишонов Н.Собировнинг хонадонида қўлга олинди.

Эндигина 26 ёшга тўлган йигитнинг бундай мудҳиш ишга қўл ургани кишини даҳшатга солади, албатта. Муқаддам Жиноят кодексининг 169-моддаси, 2-қисми «в,г» бандлари билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган Т.Нишонов ота-она, маҳалла-кўй эътиборидан, назоратидан мутлақо четда қолгани боис, такрор жиноятга қўл урган. Ота-онанинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги оқибатида саёқ юришга одатланган фарзанд шу тариқа етти пуштига етгулик иснод келтирди. Жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди мазкур жиноят ишини кўриб чиқиб, Тоҳир Нишоновга 18 йил қамоқ жазоси тайинлади. Ёш йигит нафақат бир аёлнинг, балки ўз умрининг ҳам заволига қолди.

Комил ЮСУПОВ,
ҳуқуқшунос,
Дилфуза РАҲИМБЕКОВА
журналист

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-1115. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5